


**Саломат
Вафо**

ҚОРА БЕВА

САЛОМАНИ ВАФО

ҚОРА ТЕВА

ХИКОЯЛАР



Тошкент
«Янги аср авлоди»
2009

Ҳикоялар инсон ҳаётининг манзараларидир. Уларда одам-
зотнинг дарди, севинчи, муҳаббати, шодлиғию азоблари
яшайди.

Саломат Вафонинг «Қора бева» китобини мутолаа қилар
экансиз кўз ўнгингизда, тасаввурингизда турфа хил ман-
заралар кечади. Улардаги воқеалар ифодаси бутун борли-
гингизни, онгу шуурингизни банд этади.

Ўйлаймизки, ушбу ҳикоялар тўплами китобхонлар учун
муносиб тухфа бўла олади.

ISBN 978-9943-08-224-3

© Саломат Вафо. «Қора бева».

«Янги аср авлоди», 2009 йил

**Ушбу китобимни Аллоҳ берган
энг буюк неъмат — фарзандларим —
Юлдузхон ва Ҳумоюнбекка бағишлайман**

Муаллиф

ДЕВОР

Илк келган маҳалим, бу ер кўзимга яланғоч, операция хонасига ўхшаб кўринарди, дардим бироз ариди шекилли, кейинчалик кўзим ўрганиб кетди. Аммо палатадаги ҳамхонам сал ғалатироқ чиқиб қолди: рангпар, озғин, жонсарак, бир қарашда қарама-қарши туйғулар пайдо қилади, жирканишми, раҳмдилликми... Бу ернинг ўзи ҳам асабимни кўзғарди, катта хонанинг кўчага қараган биттагина деразаси бўлиб, унинг олдида, «ҳаа... ҳамхонам Аъзамжон» ялпайи-иб ётарди. Кечалари куладими, гапирадими-ей, хуллас, тинчлик йўқ (қўрқасан ҳам), кўзини очар-очмас кўрган туши ҳақида гапирга бошлайди. Энг ёмони у... Аъзамжон ҳикоя қила, гапирга туриб, бирданга безгак тутгандай қалтираб, кўзлари олайиб, оғзидан кўпик сочиб, шайтонлагандай хириллаб қолади. Баъзан қайси дунёда эканлигимизни англай олмай қоламан. Тугмани босаман, дарров ҳамширалар етиб келиб аллақандай уколларни, нўналардан ҳилвираб кетган, озғин, серсуяк кетига санчишади. Шайтонлаган бемор зум ўтмай, бир думалаб, жонон йигитга айланган девдай ўзига келади-қолади. Гўё яна тун тушишини кутиб турган намозшомгулдай тантанавор очилади. Жим ётиш ҳақида минг тавалло қилсам ҳам, жуда бўлмади деганда, ёнбошлаб олади-да, деразадан кўраётганларини ҳикоя қила бошлайди.

— Бугун кун иссиқ бўладиганга ўхшайди, ҳозирдан сув соғадиганлар ва морожнийчилар кўча четига музлатгичларини жойлаштира бошлабди. Кўчаларга аллақачон сув ҳам сеиб улгуришибди. Биз қачон музқаймоқ ер эканмиз, Омон ака?

— Ёш болага ўхшайсиз, Аъзамжон, қаердаги нарсаларни орзу қиласиз. Соғлигингизни ўйласангиз-чи, яна бир шайтонласангиз ўлиб кетишингиз мумкин, — дейман бошимни у томонга хиёл буриб.

— Хонамизнинг димлиги ёқмайди-да, ака, бир кондиционер бўлса яхши бўларди...

— Яна нималарни орзу қиласиз, ё музқаймоқ дейсиз, ё кондиционер, худди бу ерга дам олишга келганга ўхшайсиз, бу орзулар ҳақида юракни беришдан олдин ўйлашингиз керак эди, Аъзамжон, — дейман унинг юзидаги қувноқлигини ёқтирмай.

— Омон ака, жуда тартибли одамсиз-да, бу ерда эртадан кечгача шифтга қараб ётиб, жинни бўлиб қолиш мумкин. Уҳҳ... — деб узун уҳ тортади.

— Яна нима бўлди? — дейман ҳайронлигимни яширолмай.

— Ўтган ёзнинг шу кунларида биттаси...ни шундай севиб қолгандим, ака, — деди у кўзлари хиёл ёшланиб.

— Ўзи, неччи ёшга киргансиз, нукул ака, ака, дейсиз? — дейман астойдил жаҳлим чиқиб.

— Ўттиз еттига, — дейди у яна оғир хўрсиниб.

— Ўттиз етти!? Хафа бўлманг-у, мен сизни элликдан ошган, деб ўйлайман, оғайни.

Унинг юзлари яна ҳам оқариб кетгандай бўлади.

— Энди айтмоқчи эдим, элликдан ошган одамга муҳаббатни ким қўйибди деб.

— Акаа... — дейди ҳаяжонланиб Аъзамжон. — Нима элликдан ошган одамнинг юраги ўўқми... кўнгли ўўқми... Мана, сиз

бир пари аёлни, қизни кўрсангиз, юрагингиз шиф этиб кетмайдими? — дейди кўзлари ёлқинланиб.

— Кўриб ўтирибман, юракни қандай абгор қилганингизни... Қизим тенги аёлларни қандай сева оламан... имоним бутун, — дейман ҳафсалам пир бўлиб.

Деразадан кўчанинг шовқини, гўнғур-гўнғур гаплар, аллакимларнинг хохолагани эшитилади ва тандир сомсанинг ҳиди бизнинг палатага ҳам кириб келади. Сомсанинг ўзи мумкин бўлмаса ҳам ҳидидан тўйиб олай дейман.

— Э-э, ака, бунга имоннинг қандай алоқаси бор, — дейди фикларимни бўлиб. — Ким билан бўлса ҳам гаров ўйнайман, муҳаббатнинг ўзи ҳам энг катта эътиқод.

— Шоир эмасмисиз, ишқилиб? — дедим тамоман тарвузим кўлтиғимдан тушиб, чунки шоирнамо эркакларни тўлақонли эркак ҳисобламасдим.

— Жуда қизиқсиз (минг йилдан бери танигандай, қизиқ экансиз демайди), шоирликнинг нима алоқаси бор, шоир бўлсам нима қилибди. Оҳҳ... мен севган аёл... Унинг овози жонингни оларди. Фақат оиласи бор эди-да... Даҳшат эди, яқинлашсанг ёндирарди, шундай хотинлар бор, билсангиз.

— Нима бўлган, бечора оламдан ўтганми? — дейман ҳамхонамнинг сергаплигидан чарчаб, кўзимни юмиб.

— Музлатгичда туғилганмисиз, мунча гапларингиз совуқ? Мен ҳамхонамнинг расмана телба эканлигига шубҳа қилмай, ундан умуман ҳафсалам пир бўлди. Лекин барибир унинг шахсига, ўша хотиннинг кимлигига, бунинг устига ёндирадиган хотин билан қандай ишқий учрашувлар бўлган экан, деган маънода қизиқишим устунроқ чиқди.

— Асли нима бўлганди, Аъзамжон? — дейман бироз юмшаб.

— Шунга айтгим келмаяпти, Омон ака, кўйинг шу менинг муқаддас сирим бўлиб қолсин, — дейди олам жаҳон оғриниб.

— Ўв, ука, қанақа сии... ир, ўзингиз бошладингизми, энди гапиринг. Мен сиздан сўрамагандим, ўзингиз ёндирадиган хотинлар бор... дедингиз, — дейман ютиниб. — Энди гапиринг... — дейман чинакам жаҳлим чиқиб.

Эшик очилиб, чиройли ҳамшира қиз хушбўй атирларни таратиб кириб келади, пўписа қилгандай бармоқларини нуқтайд:

— Ну... ну... ҳурматли касаллар, бу қандай шум. Аъзамжон ака, сизга ҳаяжонланиш мумкин эмас, баданингизда укол қиладиган жой ҳам қолмади.

Ўша томонга бошларимни буриблар қарайман, ҳамширанинг қовоғи устига сурган кўк бўёғи жуда ярашган, қип-қизил лабларини ажратиб турар эдим. Азбаройи тан олишим керак, ўзим билмаган ҳолатда «ёндирадиган хотин»нинг белгиларини ундан излаётгандим.

— Тартибга чақуриб қўйинг бу Аъзамжонни, синглим, бўлмаса ҳаддидан ошади. Дунёда ёндирадиган хотинлар бор, дейди-ми-ей...

— Оббо, ўлманг сиз, Омон ака, қўймайсиз, оҳ, оҳ... — дейди муаттар ҳаволарни симириб Аъзамжон.

— Войў... — деди ҳамшира оғриниб, асли чиройли аёллар ёнида ўзга хотинлар ҳақида гапиришса шундай ҳолат юз беради. — Сизларга хотинлар ҳақида гапиришга ҳали эрта, юрагингизга нагрузка тушади.

«Аёллар — битмас-туганмас нагрузка».

Ҳамшира чиқиб кетгач, жазиллаётган қўймичларимизни силаганимизча яна эркинлашамиз. Оқ, қизғиш, сариқ рангли таблеткаларни ютганча яна гаплашишга чоғланамиз. Аъзамжонни чаққан пашша қонга тўйган қорнини кўтаролмасдан гўнғиллаб ҳавога кўтарилади. Уни чаққан деганимнинг боиси, баъзан кузатиб тураман, бир вақтнинг ўзида иккита паш-

ша чақиб турса ҳам парво қилмайди, хаёллари аллақаяқда бўлади.

— Ҳар кун ойнадан қарайман-у, ака, — дейди Аъзамжон ўз-ўзига гапиргандай ширин энтикиб. — Кўчадан келаётган биринчи кўринган аёлни ўшанга ўхшатаман, наҳотки, беморлигимни эшитган — ўйқлашга келаётир, деб ўйлайман.

— Э, у ҳали ўлмаганмиди, нуқул бир хотин ёққан, ёққан дейсиз.

— Ёққан, сизам куйдирасиз мени... Сизга нима ахир. Ўликми, тирикми... бу менинг проблемам.

— Хўш, гапиринг ўша проблемангизни, ўзингизни кўп тарозига солвордингиз. Буну билдик нима, билмадик нима, бу ердан чиқамизми, ўйқми... Дўзахда кимга айтасиз буюк сурингизни, — дейман ҳазиллашишга уриниб.

— Сизнинг ҳар гапирингизга илон нўст ташлайди, илонлар боқиладиган инкубаторнинг бошлиғи эмасмисиз... Биласизми, у аёл ким эди...

— Ким эди?!

— Норхўжа Олимовнинг хотини... — Аъзамжоннинг нафаси учига тушиб, овози чиқмай қолди.

— Ола, — дедим ҳайронлигимни яширмай. — У министрнинг хотинига қандай ета қолдингиз?

— Етдим, ака, етдим. Сиз менинг кимлигимни билмайсизда, — дейди узун уҳ тортиб.

— Зўр эканми, иҳм... иҳм... маммаларидан дегандай, — дедим шошиб, кўз олдимда турли хил манзаралар гавдаланганидан вужудим қизиб.

— Ия, ака, ҳали дунёдаги энг мустаҳкам имонни даъво қилаётгандингиз, бу ёғи қандай бўлди?! — дейди унинг кўзлари ғалати ёлқинланиб. — Сиз севги деганда фақат кўрпа-тўшакни тушунаркансиз, — деди яна кўзлари оловланиб.

Унинг сал оқариб кетган юзларига тикилиб туриб, «бу боланинг эси жойида эмас, ё нозикроқларданмикан?» деган фикрлар ўтади. У фикримни шундоқ ўқиб тургандай дувва қизаради.

— Сен бола, эрталабдан буён мени чалғитдинг, энди қулоғимга лағмон осмоқчимисан? Эрли, хотинли одам нима учун юради, шу нарса учун-да, ўн етти яшар қиз эмассизларки... паркларга беркиниб олиб, ўпишиш...иб ўтирсангизлар.

— Қўйинг, ака, қўйинг, чуқурлашмайлик, — умрида ҳайдамайдиган пашшаларни ҳайдагандай қўлларини асабий ҳаракатлантириб, бошини дераза томонга буриб олди.

Аламим келди, шу ётган ҳолимизда ҳам бир ожиз, нота-вон, аллақандай хотиннинг шаттасидан кейин юрагини чангаллаб ётиб олган бу хотинчалиш шоирдан мағлуб бўлиб ўтирсам.

Кўз қирим билан у томонга қарадим, ҳали бошини дераза томонга бурганича эзилган япроқдай ёйилиб ётарди. Нозик бўйнининг томирлари чиқиб кетган, тираб кетадими-ей... Балки йиғлаётганмикан? Тантана қилдим, лекин айни ана шу ҳолати учимдаги куфуримни яна кўзғотиб юборган, шундагина бу телба ошиқни дераза олдидаги ўринда ётгани учун кўли узун экан, деган қарорга келдим. Чунки ҳар кун тонг отиши билан Аъзамжон деганимиз, дераза орқали, жаҳон ахборотини бошлаб юборарди. Тан олиш керак эди, у ташқи оламни қойиллатиб тасвирларди, баъзан ўша даврдаги хотиралар ёдига тушадими, ё шу кунларни кўмсайдими, кўзидан ёш чиқиб кетган пайтлари бўларди. Қатъий қарор қилдим, агар у тузалиб кетадиган бўлса, дераза олдидаги ўриндиқнинг эълон қилинмаган валиаҳди ўзим бўламан. Асли келгандан нега ўтиб олмадим-а, иҳм... Келганимда Аъзамжон деганлари ана кетди, ана

борди бўлиб, чўкка тушган туядай ялпайиб, жойни эгаллаб ётганди.

Юракнинг оғригани ёмон бўларкан, ҳар лаҳзада у дунёдан хабар келдимикан деб хавотир оламан. Гуп-гуп... қачонгача уриб тураркан. Ахир у темир эмас, бир парча эт, бир кун келиб тўхтайдди қолади... Шундай хаёллар билан кўзим энди илинган экан, аллақандай ҳирқироқ сасдан очилиб кетди. Бир дафъа қаердалигимни билмай ётдим. Хонанинг қоронғилигини кўчадан тушаётган ғира-шира ёруғлик ҳам ёритолмасди, «бу касалхона... анов тикилиб қолган қўйдаё ҳиқиллаб ётган Аъзамжон» дейман. Касалхонадаги тунни жуда ёмон кўраман, гўё бу ернинг ўзига хос тунни бор, гўё бу ернинг тунни, худо қарғаган, турли дардлар билан бир хонага ўиғилган беморларнинг иродасини синамоқчидай, одам боласининг вужудидаги барча касалликлар ва барча оғриқлар тун чўкиши билан уяси бузилган аридай кўзгалиб қолишади. «Ўзинг ҳамма нарсага қодирсан, Эгам», дейман, хуруж қилиб, кўкрагимнинг остига пичоқдек санчилаётган оғриқдан нафас ололмай. «Билиб-билмай қилган гуноҳларимни Ўзинг афу эт». Шайтон қиёфасига кирган касаллик эса аямай кўкрагим остига пичоқ санчади. «Худойим, Ўзинг қодирсан...»

«Сал оғрисангиз худо эсингизга келади», деган сас эшитилади қоронғилик қаъридан, юрагимнинг «гупиллаб» уришидан шайтонлаб қолай дейман. Сас қулоғимга кириши билан механик тарзда ичимдан одатий сўзлар қалқийди: «Эрталабга етмай ўл».

Оху фигонларим Яратганга бориб етдими, қассоб пичоғини кўкрагимдан бўшатди. Шу он қулоғимга хириллаган сас киради. Кўлимни деворга чўзиб, беихтиёр кўнғироқни босиб юбораман. Хира чироқлар ёритган, дорилар ҳиди анқиётган жим-жит касалхона ўўлаклари овоздан жонлангандай бўла-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/2618> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/2618> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/2618>